

Абдулазизхон НИҒМОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси ўқитувчиси
a.nigmonov@iia.uz

АЛЛИТЕРАЦИЯНИНГ СИНТАКТИК ПАРАЛЛЕЛИЗМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ АЛИТЕРАЦИИ В ФОРМИРОВАНИИ СИНТАКСИЧЕСКОГО ПАРАЛЛИЗМА

THE ROLE OF ALITERATION IN THE FORMATION OF SYNTAXIC PARALLISM

Аннотация: Бугунги кунда туркий тилда сўзлашувчи халқлар адабиётининг шаклланиш тарихи, шубҳасиз, қадимги туркий ёдномалар: Билга хоқон, Кул тигин, Тўнжук битигтошлари, шунингдек, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготи-т-турк” асаридаги тўртликларга бориб тақалади. Ушбу мақолада туркий тил тарихида шеърнинг вужудга келишида муҳим ўрин тутган параллелизмлар ҳамда аллитерацион товушларнинг параллелизмлар шаклланишидаги ўрни мисоллар асосида таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: товуш, аллитерация, параллелизм, интонацион параллелизм, қофия, такрор, ритмик параллелизм, грамматик форма.

Аннотация: Формирование литературы тюркоязычных народов, несомненно, основано на древнетюркских надписях Билга Хакан, Кул тигин, Тонюкук, а также примеры художественного мышления тюркских народов, которые приведены в «Девону луготи-т-тюрк» Махмуда Кашгари. В данной статье на примерах анализируются параллели, сыгравшие важную роль в формировании поэзии в истории тюркского языка, и роль аллитерационных звуков в образовании параллелей.

Опорные слова и понятия: звук, аллитерация, параллелизм, интонационный параллелизм, рифма, повторение, ритмический параллелизм, грамматическая форма

Annotation: The literature of the Turkic-speaking peoples and the history of its formation is undoubtedly based on the ancient Turkic inscriptions of Bilga

Khakan, Kultigin, Tonyukuk, as well as examples of the artistic thinking of the Turkic peoples, which are given in “Devon lug’oti-t-Turk” by Mahmud Kashgari. This article uses examples to analyze parallels that played an important role in the formation of poetry in the history of the Turkic language and the role of alliterative sounds in the formation of parallels.

Key words: sound, alliteration, parallelism, intonational parallelism, rhyme, repetition, rhythmic parallelism, grammatical form

Бугунги кун адабиёти, унинг жанрлари ҳамда мавжуд қонуниятларидаги ўзгаришларнинг асоси, албатта, адабиётнинг эволюцияси ва қонуниятларнинг тарихий тараққиётига бориб тақалади. Шу нуқтаи назардан қадимги туркий адабиёт ва ундаги жанрлар тизими туркий адабиётнинг бугунги ҳолати ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун замин яратади.

Адабиёт шаклланишининг тарихий тадқиқи кузатув объектига кўра иккига бўлинади:

1. Адабий ҳодисаларнинг генезисини ўрганиш.

2. Адабий кетма-кетлик ва ўзгарувчанликнинг эволюциясини ўрганиш [5:270].

Рус адабиётида шеърятнинг кўплаб масалаларини ҳал қилишда турли хил назарий тушунчаларни мураккаб тарзда ишлатиш тенденцияси мавжуд. Масалан, адабиётнинг генезиси ва эволюциясини ўрганишда қўлланадиган ёндашувлар ва ҳар қандай шеърый техникани ўрганишга бўлган лингвистик ёндашув муайян давр адабий ҳодисаларининг моҳияти ва муаммоларини кенг камровда ёритишга ёрдам бериши.

Ушбу қарашларнинг концептуал хусусияти шундаки, адабий тизимларнинг ўзгариши билан чамбарчас боғланган шеърый шакллар адабий эволюциясининг асосий босқичларини очиб беради ва тушунтиради [2:166].

Туркий адабиёт тарихи, албатта, ўрхун-енисей даврига бориб тақалади. Кўпчилик олимлар томонидан насрий асарлар деб эътироф этилганига қарамай, бу асарларда илк туркий шеърят унсурлари кўзга ташланади. Мазкур давр шеърый асарлари ўзгача параллелизмлар, серунум аллитерация ва тартибсиз ритмик бўлақлар орқали шаклланган. Улар ўз даврининг ёрқин адабий намуналари сифатида тан олинган. Бу ўринда параллелизмларнинг ўзига хос ўрин тутганлигини эътироф этиш лозим.

Туркий шеърят ўз тарихий тараққиёти жарёнида бир қанча шеърӣй тизимлардан фойдаланган. Тарихий мероснинг катта қисмини ўзида жамлаган аруз тизими ислом билан бирга туркий халқлар адабиётига кириб келгунига қадар қадимги туркий адабиётда аллитерацион тизим ҳукм сурган [2:166].

Бугунги кунга қадар параллелизмларни ўрганган олимлар, ўз тадқиқотимиз натижаларини ва Г. Нураҳунованинг юқоридаги фикрларини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, аллитерация қадимги туркий шеърнинг асоси бўлмиш параллелизмларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган.

Сўз устаси ўз асарини яратар экан, қўллаш мумкин бўлган барча фонетик, лексик, синтактик ва услубий воситалардан фойдаланган ҳолда жонли тасвир яратишга, ўқувчилар оммасига эстетик ва эмоционал таъсир кўрсатишга интилади. Бундай усуллардан энг кенг тарқалгани бадий матнда асосий маънони очиб беришга хизмат қилувчи маълум товушлар, сўзлар, қўшимчалар, синтактик ва услубий бирликлар такрори асосида вужудга келадиган воситалардир. Такрор ундош ёки унли товушлар, ёхуд уларнинг бирикмалари асосига ҳам қурилиши мумкин. Агар шеърӣй асар муаллифи қасддан маълум бир ундошлар ёки улар бирикмасининг такроридан фойдаланган бўлса, бундай ҳолат аллитерация деб аталади. Демак, аллитерация поэтиканинг услубий воситаларидан бири бўлиб, бадий нутқнинг образлилиги ва ифодалилигини ошириш мақсадида ундошлар ёки ундошлар гуруҳининг такороланишидир.

Аллитерацион товушлар матнга оҳангдошлик бахш этади, бошқа бадий воситалар билан биргаликда таъсирнинг бадийлигини таъминлайди. Сажъ ва лексик такрорлар қўлланган ўринларда, албатта, аллитерация мавжуд бўлади, бироқ ёдномаларда шундай ўринлар борки, улардаги аллитерация натижасида интонацион параллелизм вужудга келади. Бунда ҳарфлар график жиҳатдан бутунлай бошқа бўлса ҳам, уларда оҳангдошлик пайдо бўлади. Масалан:

Tabğaç bodunqa bağlık urı oğlın qul boltı, silik qız oğlın kün boltı.

Маъноси: “Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув киз боласи билан чўри бўлди” [3:303].

Мазкур мисолда *qul* ва *kün* сўзларини аллитерациялашган деб қараш мумкин. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, бу ҳар икки товуш лингвистик нуктаи назардан сонор товуш бўлиб, жаранглилик бу товушларда бошқа ундош товушларга нисбатан яққол ифодаланади. Бу ўринда, *qul* ва *kün* сўзларининг бўғин жиҳатидан тенглиги ҳам аҳмиятлидир. Иккинчидан, аллитерациялашган товушлардан кейинги сўзларнинг, яъни *bolı* сўзининг такрорланиши поэтик шакл қурилишига алоқадор бўлиб, параллелизмларнинг юзага келишида – аллитерацияга қўмаклашишда – ана шу такрорнинг ҳам аҳамияти бор. Қуйидаги мисолда ҳам шу ҳолатни кузатишимиз мумкин:

Bu türk bodunqa yaraqlıg yağıg kältürmädım, tögünlög atıg yügürtmädım.

Маъноси: “Бу турк халқига яроқли ёвни келтирмадим, яловли отини югуртирмадим” [3:303].

Мисолдаги илк параллел синтактик бўлак – “*yaraqlıg yağıg kältürmädım*” да у ва ğ товушларининг такрори, иккинчи синтактик бўлакда t ва g товушлари такрорланган. Бу ўринда композицион ритмлилиқ юз беради. Сабаби – ўхшаш саҳна ва манзарани такрорлаш ва таъкидлашдир. Бундай конструкцияларда аллитерацион товушлар ёрдамида ритмлилиқ кучайтирилади, параллелизмлар ҳосил бўлади ва нутқ эмоционаллиги ёрқинроқ намоён бўлади. Бу эса ёдномалар муаллифларининг юксак бадий маҳоратидан дарак беради.

И.В. Стеблева қадимги туркий ёдномаларда аллитерацияга тўхталиб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Албатта, ўтмишда туркийларда аллитерацион тизимнинг мавжудлиги муқаррар эди, чунки бу шеърнинг ритмик тузилиши – шеър тузилиши тизимининг усули бўлиб қатъийлашади. Руний ёзуви давридаги туркийлар учун ўрхун ва енисей матнларининг шеър тузилиши, афтидан, янгилик эмас эди” [4:160].

Бироқ шуниси борки, аллитерациянинг халқ нутқидан ёзма адабиётга ўтиши аввал шеърда эмас, балки прозаик парчаларда юз берган. Бу фикримизга ёдномалар матнлари ҳам далил бўла олади. Сабаби, ритмик проза шеърнинг ҳар қандай туридан аввал пайдо бўлади.

Товушлар такрори ва грамматик формалар такрори – аллитерация параллелизмларни

хосил қилиш жараёнида алоҳида ўрин тутади ва ритмик-композицион вазифа бажаради. Масалан:

Üzä täñri basmasar, asra yär tilinmäsär...

Маъноси: “Юқоридан осмон босмаса, пастда ер ёрилмаса...” [3:303].

Ёки:

Baliqdaqi taşiqmīs, tağdaqi inmis. Tirilip yätmis är bolmīs

Маъноси: “Шаҳардаги ташга чиқибди, тоғдаги(си) инибди. Терилиб, етмиш эр бўлибди” [3:304].

Бу парчаларда товушлар эмас, товуш бирикмалари – *ta, as, iğ, ağ, är* ва булардан ташқари грамматик формалар такрори *-sar, -mīs* ҳам бор. Муаллиф санокни таъкидлаш, ўқувчига, тингловчига аниқ, тушунарли бўлиши учун товуш бирикмаларидан фойдаланади.

Ҳар қандай адабий ҳодисалар турли даврларда ўзгача кўринишга, турли жило ва аҳамият даражасига эга бўлади. Бирок параллелизмларнинг шаклланишида аллитерациянинг роли кейинги давр манбаларида ҳам ўзининг муносиб ўрнини сақлаб қолган. Масалан:

*Ağdi qizil bayraq,
Tuğdi qara tupraq.
Yetşü kelip oğraq,
Toqşip anin keçtimiz.*

Маъноси: “Қизил байроқлар кўтарилди. Қора тупроқ юқори кўтарилди [чанг-тўзон кўтарилди]. Бизга ўғрак отлиқлари ҳам келиб кўшилдилар. Ҳаммамиз кўшилишиб жанг қилдик, шунинг учун қайтишда кечикдик” [6:387].

XI аср туркий адабиётининг ёрқин намуналаридан бўлмиш “Девону луғати-т-турк”да келтирилган ушбу тўртликка назар солсак, аллитерацион товушлар параллелизмлардаги оҳангдорликни таъминлашда муҳим ўрин тутганини кўриш мумкин.

Халқ оғзаки ижодининг мазкур намунасида икки параллелизм иштирок этган бўлиб, уларнинг биринчисидagi “*ağdi*” ва “*tuğdi*” ҳамда “*qizil*” ва “*qara*” сўзларидаги “*ğ*”, “*q*” товушининг такрори параллелизмдаги ритми тугал кўринишга келтирган.

Иккинчи параллел қаторларда эса, “*yetşü*”, “*toqşip*”, “*keçtimiz*” сўзларидаги

“*t*”, “*ş*” товушлар такрори шеърдаги ритми таъминлашга хизмат қилган.

Кетирилган тўртлик бир қарашда тугал эмасдек кўринади, бу ғализлик унинг қофия тизими билан боғланган. А-а-а-б тарзида қофияланган ушбу шеърда қофиянинг бундай тарзда шаклланишига сабаб сўнгги мисрада равиянинг ўз ўрнини ўзгартирганидир. Барча қаторларда равий вазифасида келаётган “*q*” товуши сўнгги мисрада илк сўзга ўтган. Бирок бундай тизим ўша давр шеърятчи учун одатий ҳол эди.

*Körüp neçüg qaçmadıñ?
Yamar suwın keçmadıñ?
Tawarıñni saçmadıñ?
Yesün seni a:r böri.*

Маъноси: Енгиб асир қилинганга қарата айтмоқда: “Нега мени кўришинг биланок қочмадинг, нега Ямар сувини кечмадинг, нега бошингни қутқариш учун молларингни ташлаб кета қолмадинг? Мана энди ўлдирилдинг. Энди сени сиртлон есин” [6:45].

Ушбу тўртлик ҳам юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир. Мавжуд параллел қаторларни шакллантириш ва уларнинг оҳангдошлигини таъминлаш ҳамда бўлақлар ўртасидаги ритмик алоқа вазифасини “*r*” ва “*ç*” ? товушларининг такрори амалга оширган. Тўртликнинг а-а-а-б тарзида қофияланиши эса бу тарздаги қофияланиш ўша давр шеърятчи учун қонуният даражасига кўтарилганидан далолат беради.

*Yağmur yağip saçıldı,
Türlüg çeçäk suçıldı,
Yünçü qapı açıldı,
Cindan yipar yuğruşur.*

Маъноси: Ёмғир ёғиб сочилди, турли гуллар очилди, Инжу қопи очилди, Чиндан ифор таралар [6:244].

Келтирилган тўртликдаги параллелизм таркибида ритмилиқни таъминлаган асосий унсурлардан бири бу – товушлар такроридир. Парчада *y, ç, l* товушларининг ҳар бир қаторда такрорланиши тўртликка ўзига хос оҳанг бахш этган бўлса, қаторлар сўнгидagi қофиядош сўзлар мусийқийлигини таъминлаб, ўқувчининг ёдида сақланиб қолишини осонлаштирган. Тўртлик а-а-а-б тарзида қофияланган. Бу

эса кейинги давр тўртликлари – рубойи ёки туюкдан фарли равишда қадимги туркий тилдаги тўртликларнинг қофияланиш усулини кўрсатади.

Бу ҳолатни биз қадимги туркий адабиётнинг мукамаллиги сифатида тушунамиз. Сабаби шундаки, тўртлик а-а-а-а ёки а-а-б-а тарзида қофияланганда тингловчи “а” тарзида қофияланган сўзларнинг давомини кутади. Тўртлик а-а-а-б тарзида қофияланганда эса “б” қофия тўртликнинг якунини англатади. Натижада, тингловчи тўртлик якунланганини англаб етади ва унинг мағзини чақишни бошлайди. Бу эса ораликдаги узилишни бартараф этиб, тўртликнинг таъсир кучини оширади [1:187].

Демак, нутқда аллитерация туфайли келиб чиқадиган бундай ритмик-композицион бирлик унинг эмоционаллиги ва бадий ифодалилигини кучайтиради. Ана шундан келиб чиқиб, ёдномаларда ҳам аллитерация параллелизмларни ҳосил қилувчи ва ритмик-композицион функция бажарувчи воситалардан бири деб қараш мумкин.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Nig'monov Mr, Abdulazizkhan. “RHYTHMIC-SYNTACTIC PARALLELISMS IN OLD TURKIC POETRY (BY EXAMPLE OF EXTRACT FROM “DEVON LUGATI-T-TURK”).” The Light of Islam 2020.1 (2020): 185-191.
2. Нурахунова, Г. М. «Этапы эволюции тюркского силлабического стиха (к истории вопроса).» Успехи современного естествознания 9 (2013): 166-168.
3. Sodiqov, Q. O. S. I. M. J. O. N. “Turkiy til tarixi.” Toshkent: TDSHI 368 (2009).
4. Стеблева, Ия Васильевна. Поэтика древнетюркской литературы: и ее трансформация в раннеклассический период. Наука; Глав. ред. восточной лит-ры, 1976.
5. Тынянов, Юрий Николаевич. История литературы. Поэтика. Избранные труды. Общество с ограниченной ответственностью Издательство ЮРАЙТ, 2019.
6. Кошғарий, Махмуд. «Девону луғат-ит турк (Туркий сўзлар девони). Нашрга тайёрловчи васъзбоши муаллифи Қ. Содиков.» Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги НМИУ 488 (2017).
7. Qizi, Salima Rustamiy Aliybeg, Nasirova Malika Anvarovna, and Sagdullaeva Dilfuza Karimullayevna. “SCIENTIFIC AND THEORETICAL CONTENT OF THE SCIENCE OF BALĀĠAT.” Journal of Critical Reviews 7.6 (2020): 132-137.
8. RUSTAMIY, Salimakhon. ““ESASU-L-BELAGA” VE “DİVAN-ULUGAT-İT-TÜRK” ESERLERİNİN DİL BİLİMİ VE BELAGAT BİLİMİYLE İLGİLİ YÖNLERİ.” Electronic Turkish Studies 11.20 (2016).
9. Rustamiy, Salima. “MAHMUD KOSHGARIY’S VIEWS ON FONETIC, GRAPHIC AND MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF TURKIC LANGUAGES.” The Light of Islam 2020.2 (2020): 37-44.
10. Рустамий, С. А. «Mutabaqa как лексическое средство выразительности.» Мир науки, культуры, образования 1 (56) (2016).
11. Рустамова, Салима Алибековна. «Лексикографические особенности словаря Махмуда Кашгари.» (1998).
12. Низамова, Ф. А. «ГЛОБАЛИЗАЦИЯ И ЛИТЕРАТУРНЫЙ ПРОЦЕСС.» Актуальные вопросы современной науки. 2020.